ISSN 2181-7324

# O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI

# XABARLARI

IJTIMOIY-GUMANITAR FANLAR YO‘NALISHI

ВЕСТНИК НУУЗ

ACTA NUUZ

# ЎзМУ ХАБАРЛАРИ

# ВЕСТНИК НУУз

# ACTA NUUz

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ**

**ЖУРНАЛ 1997 ЙИЛДАН ЧИҚА БОШЛАГАН**

**2022**

**1/8/1**

**Ижтимоий-гуманитар фанлар туркуми**

Бош муҳаррир:

**И.У.МАДЖИДОВ –** т.ф.д., профессор.

Бош муҳаррир ўринбосари:

**Р.Х.ШИРИНОВА** – ф.ф.д., профессор

Таҳрир ҳайъати:

**Сагдуллаев А.С.** – т.ф.д., проф.
**Аширов А.А.** – т.ф.д., проф.
**Баллиева Р.** – т.ф.д., проф.
**Маликов А.М.** – т.ф.д., проф.
**Юсупова Д.Ю.** – т.ф.д., проф.
**Муртазаева Р.Ҳ.** – т.ф.д., проф.
**Мўминов А.Г.** – с.ф.д., проф.
**Нишонова О.Ж.** – ф.ф.д., проф.
**Абдуллаева Н.Б.** – ф.ф.д., проф.
**Мадаева Ш.О. –** ф.ф.д, проф.
**Туйчиев Б.Т. –** ф.ф.д, проф.
**Утамурадов А. –** ф.ф.н, проф.
**Ахмедов Х.А.** – с.ф.д.
**Мирзаахмедов К.М. –** с.ф.ф.д., PhD.
**Мухаммедова Д.Г.** – псих.ф.д
**Болтабоев Ҳ.** – фил.ф.д., проф.
**Раҳмонов Н.А.** – фил.ф.д., проф.
**Жабборов Н.А.** – фил.ф.д., проф.
**Сиддиқова И.А. –** фил.ф.д., проф.
**Садуллаева Н.А. –** фил.ф.д., доц.
**Арустамян Я.Ю. –** фил.ф.д., доц.
**Пардаев З.А.** – фил.ф.ф.д., PhD.

Масъул котиб: **З. МАЖИД**

**ТОШКЕНТ – 2022**

## МУНДАРИЖА

### Тарих

**Акрамова Ш.** Социально-экономическая ситуация в КНР в 60-е - 70-е гг. XX в....................4
**Бобожонов А.** Ўзбекистон прагматик ташқи сиёсати – Марказий Осиёда тинчлик ва тараққиётнинг асосий фактори сифатида ....................7
**Дониёров А., Насимов А.** Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари аҳолиси анъанавий хўжалигининг ўрганилиши .11
**Маллаева Ф.** Муборак нефть ва газ саноати – иқтисодиётнинг муҳим тармоғи....................14
**Матназарова М.** Кўчманчи чорвадорлар яшаган ҳудудлар ва уларнинг археологик жиҳатдан ўрганилиши (Қадимги Хоразм тарихи мисолида) ....................16
**Маҳмудбоева Д.** Дунёдаги феминистик ҳаракатлар ривожининг ижтимоий-сиёсий хусусиятлари....................19
**Махмудов К.** Фарғонада 1876-йилги миллий давлатчиликни тиклаш ҳаракатларининг Туркистон ҳарбий округи томонидан бостирилиши....................22
**Нарзиев Н.** Этнологияда мулоқот маданиятини ўрганишнинг назарий асослари масаласи....................25
**Насимов А.** Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари аҳолисининг анъанавий кийим-кечакларининг ўрганилиши.....29
**Очилдиев Ф.** XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Бухоро амирлигининг Европа давлатлари билан олиб олиб борган савдо муносабатлари....................33
**Rajabova M.** O‘zbekistonda turar-joy siyosatining holati ....................36
**Расулова Н.** Совет давлати инқирози арафасида сиёсий партия фаолияти ҳақида баъзи мулоҳазалар....................39
**Ergasheva M.** XX asrning dastlabki choragida maorif sohasidagi o‘zgarishlar va ayollarning savodsizligini tugatish masalalarini avj olishi ....................43
**Юсупов И.** 1991-2010 йилларда Ўзбекистонда уяли алоқа компанияларини пайдо бўлиши ва ривожланиш тарихи ....................47
**Yusupov H.** Xiva madrasalarida ta’lim jarayoni....................51

### Фалсафа. Педагогика. Психология. Методика. Социология. Сиёсий фанлар

**Abdumalikova N.** Мутахассис шахсини ўзини ўзи ривожлантириш муаммосининг назарий асослари ....................54
**Агзамходжаева С., Аминова Г.** Ижтимоий-фалсафий парадигмалар контекстида гендер муаммолари ....................56
**Azimova M.** Bo‘lajak chet tili o‘qituvchilarida muloqot madaniyatini shakllantirishning ijtimoiy, ilmiy-pedagogik asoslari....................60
**Аликариева А.** Кластер усулидан таълим сифати менежменти тизимини такомиллаштиришда фойдаланиш .......63
**Алмарданова С.** Талабалар касбий шаклланишида копинг стратегияни аниқлаш методикаси ....................67
**Асранбаева М.** Oiladagi o‘zaro munosabatlarning bola xarakteriga ta’siri....................70
**Ataullayev Z.** Kimyo darslarida o‘quvchilarning mustaqil ishlash ko‘nikmalarini rivojlantirishga yangicha yondashuvlar....................72
**Атамуратова Ф.** Ятрогения – XXI касаллиги ....................75
**Ахроров В.** Талабалар психологик саломатлигига таъсир кўрсатувчи омилларни эмпирик ўрганиш натижалари таҳлили ....................77
**Achilova M.** Qo‘l mehnati orqali o‘quvchilar tafakkurini rivojlantirish jarayonining tahlili ....................80
**Бегимкулов О.** Кураш спорт тури орқали талабаларни ватанга мухаббат руҳида тарбиялашнинг ўзига хос хусусиятлари ....................83
**Бойматов Б.** Умумтаълим муассасаларида ўқувчиларнинг медиакомпетентлигини такомиллаштириш технологиялари ....................87
**Бозоров Н.** Умумтаълим мактабларида умумий ва касбий таълимни интеграциялаш....................90
**Валиев Л.** Шри Ауробиндо фалсафасининг XXI асрдаги маънавий аҳамияти ....................94
**Джўраев О.** Дастурий воситалардан фойдаланиб иқтисодий фанларни ўқитиш методикасини такомиллаш-тириш ....................97
**Donayeva Sh.** Talabalarda refleksiyani shakllantirish omillari va shart-sharoitlari ....................100
**Jumaniyozov T., Rajabov O.** Oliy ta’lim muassasalarida dars jadvalini avtomatlashtirishning loyihasini ishlab chiqish....................103
**Ibragimov I.** Turkiston jadidlari ilmiy-ma’naviy merosining ijtimoiy-falsafiy jihatlari (fransuz olimlari nigohida) ........106
**Ибрагимов С.** Математик моделлаштириш асосида бўлажак муҳандисларни касбий фаолиятга тайёрлашнинг аҳамияти ва зарурияти....................109
**Имомова М.** Умумтаълим муассасаларида биология фанини электрон ахборот таълим ресурслари воситасида ўқитиш методикасини такомиллаштириш....................112
**Qarshiyev Sh.** Aksiologiya ta’limotda qadriyat tushunchasini shakllanishi ....................115
**Қаххоров С.** Диний мутаассиблик феноменини психология нуқтаи назаридан таҳлили....................118
**Кузиев Н.** Ўзбекистоннинг ипак йўли халқаро туризм соҳасидаги ҳамкорлиги (Бухоро вилояти мисолида) ........121
**Мадрахимов А.** Мактаб ўқувчилари ўртасида зўравонликларнинг олдини олишда хориж тажрибаси ....................125
**Мажидов Э.** Коррупциянинг моҳияти ва унинг эволюцияси....................129
**Маматов М.** Янгиланаётган Ўзбекистонда шахс шаклланишида маънавиятнинг роли ....................132
**Мамаюсупов С.** Десекуляризация диалектикасининг фалсафий таҳлили ....................135
**Маратова Х.** Сущность и научно-теоретические основы концепции «Good governance»....................138
**Матчанов А.** О необходимости совершенствования механизма международного сотрудничества государств в защите прав человека в правоприменительной деятельности ....................142
**Maxatova N.** Zamonaviy menejmentda gender tafovutlarning ijtimoiy xususiyatlari ....................146
**Махмудбоев Б.** Ахборот терроризми ва уни олдини олишнинг ижтимоий-сиёсий хусусиятлари ....................149

**Машарипов И.** Фуқаролик жамияти ривожланишида тадрижийлик ва фуқаровий фаоллиги: муаммо ва ечимлар ....152
**Мирзаев М.** Либерализм ғоялари шаклланишининг мафкуравий жиҳатлари ....155
**Музаффарова Х.** Мактабгача логопедияни ўқитиш методикаси бўйича назарий машғулотларни ташкил этиш технологиялари ....158
**Примбетов А.** Эркин кураш бўйича хотин-қизларнинг жисмоний тайёргарлигини ривожлантириш йўллари ....162
**Расулов Ғ.** Тарихий-маданий меросга янгича муносабатни шакллантиришнинг ўзига хос жиҳатлари ва замонавий хусусиятлари ....165
**Расулова И.** Ўзбек психологиясида зўравонликнинг оилавий муносабатлардаги ижтимоий-психологик омилларини ўрганилганлик даражаси....168
**Raxmonov I.** Bo‘lajak o‘qituvchilarda hayot faoliyati xavfsizligi ko‘nikmalarini rivojlantirishning yangi bosqichi....172
**Saidova M.** Masofaviy ta’lim vositasida bo‘lajak boshlang‘ich sinf o‘qituvchisining mustaqil faoliyatini tashkil etish....175
**Сауров Р.** Давлат хизматларининг ижтимоий-тарихий имманент хусусиятлари ....179
**Сирожиддинова И.** Кластерли ёндашув асосида бўлажак муҳандислар касбий тайёргарлигини такомиллаштириш - ижтимоий педагогик муаммо сифатида ....182
**Темурова Г.** Заиф эшитувчи ўқувчилар мактабида технология дарсларида кўникма-малакаларни шакллантиришнинг тамойиллари....185
**Усмонов С.** Мафкуравий тарбия асосида фуқаролар маданиятини ривожлантириш истиқболлари ....188
**Ҳамрақулов Ж.** Талабаларда экоэтик компетентликни ривожлантиришнинг интегратив методикаси масалалар 191
**Хасанов Ш.** Особенности возникновения и разрешения правовых конфликтов в расследовании преступлений 193
**Хатамов Ф.** Инсон ҳуқуқлари ва фуқаролик жамияти концепцияларининг уйғунлашуви....197
**Хажиева М.** Абулқосим Фирдавсий ва Саъдий Шерозийнинг педагогик ғоялари....201
**Хуррамов Р.** Бошланғич синф она тили таълимида эвристик таълим технологиясининг назарий асослари....204
**Sharopova F.** O‘qituvchilarning o‘qib tushunish bilan bog‘liq ta’lim jarayoniga tayyorlik holati....208
**Юлдашев С.** Жамият трансформациялашувига ижтимоий-маданий технологияларнинг таъсири ....212

**Филология**

**Абдулхаирова Ф.** Тиббий термин-метафораларнинг таркибий таҳлили....215
**Abdurayimova D.** Shaxsiy yozishmalarning fonetik va fonografologik xususiyatlarining gumondor shaxsni aniqlashdagi o‘rni ....218
**Авазов Н.** Беҳбудий ва Фитрат: миллатнинг отаси хотирасига бағишланган бир шеър талқини ....221
**Алиева Э.** Конвергенция экспрессивных синтаксических средств на материале рассказа Г.Пряхина «Интеллигенция и жестокость»....224
**Alimova S.** “Bosh” somatizmining polisemantligi hamda olamni lisoniy manzarasini ifodalashdagi ahamiyati ....228
**Asqarova M.** Arxaiklashgan leksemalarning kognitiv-semantik xususiyatlari (Salohiddin Toshkandiyning “Temurnoma” asari misolida)....231
**Ахмедова Д.** Энциклопедик луғатлардан семантик кенгайтмани шакллантиришда фойдаланиш....234
**Джалилова Х.** Тобайас Смоллет ижодида реал саёҳат тафсилотлари ....237
**Дустмуродов М.** Ўрхун-Энасой битикларидаги ҳарбий-сиёсий бошқарув билан алоқадор терминлар....240
**Jumaqulova Sh.** Ingliz tilida “xursandchilik” etimonlarining frazeo-semantik maydoni....244
**Zaripov R.** O‘zbekistonda davlat tili maqomi menejmenti....247
**Иногамова Ф.** “Иллюстрация” феномени ва унинг фразеологик иборалар луғати тузишдаги роли....250
**Karimova D.** Aka-uka grimm ertaklari o‘zbekcha tarjima variantlarining davriy statistikasi ....253
**Qosimova D.** Salomat Vafo asarlarida badiiy til masalasi ....256
**Мадалиева З.** Уильям Фиерманнинг ХХ аср ўзбек адабиётига оид илмий қарашлари ....259
**Mamatkulova B.** Antroponimlarning til tizimidagi o‘rni ....262
**Мамбеталиев Қ.** Ўзбек ва қозоқ шеъриятида анъана ва образлилик....265
**Марипова Х.** Айрим ҳарбий немисча фразеологик бирликларнинг семантик-сигматик этимологияси ҳамда уларнинг ўзбек тилида берилиши ....268
**Муродходжаева Ф.** Метафора ва фразеологик бирликларни таржимада акс эттиришнинг когнитив муаммолар.271
**Мусаев А.** Сленг тизимининг жаҳон тилшунослигида ўрганилиши ....275
**Мусурманова Ш.** Ҳарбий соҳа терминларини таржима қилишнинг асосий тушунча ва тамойиллари ....278
**Oblokulova M.** Syntactic positions of the participle II in the structure of the sentences....282
**Расулов З.** Диалогик нутқ лисоний тежамкорлик манбаи сифатида ....285
**Raxmonqulova D.** Military commands in german education of military officers in the future....288
**Раҳмонова Ш.** “Қўш исмли” ишқий достонларнинг ўлчов имкониятлари ....291
**Sarimsokova Sh.** Ingliz va o‘zbek adabiy asarlarida xushmuomalalik kategoriyasi ....295
**Садуллаева М.** Ҳозирги ўзбек ҳикоячилигининг тараққиёт тадрижи хусусида айрим мулоҳазалар ....298
**Сабирова Э.** Ҳуқуқшуносликка оид терминларнинг этимологик тавсифи ....300
**Xaitov X.** Doston matnida fonetik o‘zgarishga uchragan dialektal so‘zlarning izohi ....303
**Xudayberdiyeva O**. Shaxsiy yozishmalardagi noadabiy leksik unsurlarning gender xoslanishining umumiy masalalari 306
**Юлдашева Ҳ.** Миллий руҳ ифодасида халқона услубнинг аҳамияти....309
**Yusubova R.** Badiiy matnga lingvopoetik yondashuv masalasi ....312

O'ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI XABARLARI, 2022, [1/8/1]
ISSN 2181-7324

FALSAFA
https://science.nuu.uz/
Social sciences

***Феруза АТАМУРАТОВА,***
*Тошкент тиббиёт академияси*
*Ижтимоий фанлар кафедраси доценти, ф.ф.н.*

*фалсафа фанлари доктори, профессор Абилов Урал Муродович тақризи асосида*

## ЯТРОГЕНИЯ - XXI КАСАЛЛИГИ

Аннотация

Мазкур мақола, ятрогения, яъни шифокорнинг эҳтиётсизлиги, савиясизлиги, маданиятсизлиги, маҳоратсизлиги, хатоси туфайли келиб чиқадиган касалликка бағишланган бўлиб, унда ятроген касалликларнинг келиб чиқиш сабабалари таҳлил этилган. Ушбу масала Н.И.Пироговнинг амалий фаолияти ва ёзган асарлари ёрдамида асосланган.

**Калит сўзлар:** тиббиёт, ятрогения, хато, касаллик, бемор, руҳият, тушкунлик, зарар.

## ЯТРОГЕНИЯ - БОЛЕЗНЬ XXI ВЕКА

Аннотация

Данная статья посвящена ятрогенным заболеваниям, т. е. заболеваниям, вызванным халатностью, некомпетентностью, бескультурьем, неквалифицированностью и ошибкой врача. В ней анализируются причины возникновения ятрогенных заболеваний. Данный вопрос обоснован на практической деятельности и трудах Н. И. Пирогова.

**Ключевые слова:** медицина, ятрогения, ошибка, болезнь, пациент, психика, депрессия, ущерб.

## IATROGENY - DISEASE OF THE XXI CENTURY

Abstract

This article is devoted to iatrogenic disease, i.e., the disease caused by a doctor's carelessness, incompetence, lack of culture, incompetence, and error, and the causes of iatrogenic diseases are analyzed in it. This issue is based on the practical work and writings of N.I. Pirogov.

**Key words:** medicine, iatrogenic, error, disease, patient, psyche, depression, harm.

**Ятроген касалликлар** – шифокорнинг эҳтиётсизлиги туфайли айтилган ноўрин гаплари ёки хати-ҳаракатларининг бемор руҳиятига таъсир этишидан келиб чиқадиган касалликлар ҳисобланади. Ятроген касалликлар термини (грек тилидан -iatros - шифокор + gennao - шикастлайман деган маънони англатади, яъни - «врач хатоси туфайли юзага келган касаллик») 1970 йилда бутунжаҳон касалликларининг 10 та классификацияси аниқлангандан сўнг ятрогения номини олди.

Ятрогения – шифокорнинг савиясизлиги, маданиятсизлиги, маҳоратсизлиги, хатоси туфайли касалликларнинг диагностикасида, даволашда, муолажа ва маслаҳат бериш, суҳбат ўтказиладиган вақтда қолган нохуш асорат бўлиб, бемор организми функциясини, хатти-ҳаракатларини чеклаб қўяди баъзан беморларни ногирон ва ҳатто ўлимига ҳам сабаб бўлувчи асорат ҳисобланади [1].

Шифокор профилактика, диагностика, даволаш жараёнларида бемор соғлиғига бўлган совуққонлиги, нотўғри мулоқоти, дори-дармонларни нотўғри тавсия этиши ёки меъёрини билмаслиги, нотўғри ташхисга асосланиб даволаши, инъекция ёки операцияларни нотўғри бажариши натижасида беморнинг касаллигига қўшимча яна қандайдир руҳий тушкунлик (депрессия) ёки қандайдир соматик ёки инфекцион касаллик юқтириши юзага келишига сабабчи бўлиши ятрогения деб аталади.

Тиббиёт тарихидан маълумки, бундай касалликлар анча олдин аниқланган. Бироқ, "ятрогения" атамаси 1925 йилда немис руҳшунос олими О. Бумке "Шифокор руҳий бузулишнинг сабабичиси сифатида" асарининг нашр этилишидан кейин кенг қўлланила бошлаган. Ҳозирги вақтда ятрогения деганда профилактика, диагностика ёки терапевтик мақсадларда олиб бориладиган тиббий хатти-ҳаракатлар натижасида юзага келадиган барча касалликлар ва патологик жараёнлар тушунилади. Ятрогеник касалликлар нотўғри ва асоссиз, шунингдек шифокорнинг тўғри хатти-ҳаракатлари натижасида ҳам келиб чиқиши мумкин.

Бу касалликка аксари инжиқ, васвас, ўта таъсирчан ва асаби заифроқ кишилар дучор бўлади. Баъзи ҳолларда бемор томонидан шифокор хулосасини қаттиқ ташвишланиб қабул қилиши; ўзини соғлом деб юрган кишига шифокор томонидан бирор оғир, хавфли (масалан, ўсма) ёки кишини мулзам қиладиган (тери-таносил, гинекологик) касаллиги борлиги ҳақида тахминнинг айтилиши ҳам ятроген касалликларга сабаб бўлиши мумкин.

Сўнгги йилларда ятроген касалликлар билан боғлиқ ўлимлар сонининг сезиларли даражада кўпайиши қисман янги дориларнинг тшлаб чиқилиши, диагностика ва терапевтик манипуляцияларнинг кенг амалиётга татбиқ этилиши билан боғлиқ.

Ятрогенияга қуйидагилар сабаб бўлиши мумкин:

1. Шифокор ва бошқа тиббиёт ходимларининг хулқ-атворидаги маданиятсизлик.
2. Масъулият ҳисси ва касбий бурчнинг етарли эмаслиги.
3. Бемор билан ҳақиқий тиббий танишиш ўрнига инструментал ва лаборатория тадқиқотлари қийматига асосланиб берилган баҳо.
4. Касбий тайёргарликнинг ёмонлиги.
5. Асоссиз ўзига бўлган ишонч, ўз хатоларини тан олишни истамаслик.
6. Беморларни парвариш қилишни ташкил этишга эътибор бермаслик, ҳамширалар назоратини эътиборсиз қолдириш.
7. Беморларни ўз вақтида текширувдан ўтказмаслик.
8. Фаол диагностика ва терапевтик муолажаларни асоссиз ўтказиш.
9. Антисептиклар ва эпидемияга қарши режим қоидаларини бузиш.

10. Пассивлик, зарур фаол ҳаракатлардан қочиш.

Шифокор орасида биринчи бўлиб Н.И.Пирогов Дерпте шаҳридаги профессор И. Моер клиникасида "Дерпте университети клиникасининг жарроҳлик бўлими йилномалари"ни нашр этди. Ушбу асарида у яширмасдан ўз тиббий фаолиятидаги хатолар ҳақида гапириб берди ва барча ҳамкасбларини ҳайратга солди. Кейинчалик Пирогов шундай деб ёзган эди: "Мен тиббий фаолиятимнинг бошиданоқ: хатоларим ёки муваффақиятсизликларимни яширмаслигим кераклигини қоида қилиб олдим ва буни барча хатоларимни нашр этишим орқали исботладим. Энди виждоним олдида покман" [3]. Ўз нашри орқали Пирогов шифокорда ҳам хато қилиш ҳуқуқининг мавжудлиги ва уни яшириши мумкин эмаслиги ҳақида гапирди. "Мен ... ўз хатоларимни тан олиш ва уларга баҳо бериш орқали ёш шифокорларни уларни такрорлашдан огоҳлантирмоқчиман ... фақат шу йўл билан мен тажрибамнинг етишмовчилигини қоплашим ва тингловчиларда ҳақиқатга бўлган муҳаббатни уйғотишим мумкин" [3].

Шифокор ўзига ишониб топширилган ҳар бир ҳаёт учун доимий юксак ахлоқий масъулият ҳис этиши керак. Шифокорнинг жасорати - беморнинг саломатлиги ва ҳаёти тиббий хатоларнинг натижасида бўлиши мумкинлигини эсдан чиқармаслиги керак.

Тиббий хатолар шифокорнинг ўзига ҳам, унинг ҳамкасбига ҳам тегишли бўлиши мумкин. Агар шифокор шундай вазиятга дуч келса, қандай йўл тутиши керак? Ҳамкасбининг хатосини кўргач, шифокор у билан учрашишга ҳаракат қилиши, хатонинг барча ҳолатларини, уни тузатиш усулларини муҳокама қилиши керак, аммо ҳеч қачон бемор бу вазиятни билмаслиги зарур. Беморнинг ишончини ҳамкасбини танқид қилиш билан эмас, балки юқори касбий маҳорат билан қозиниши керак, чунки муайян хатти-ҳаракати билан беморга қўшимча азоб-уқубатлар келтириши муқаррар.

"Мен ҳар қандай хонадонга фақатгина беморларнинг фойдаси учунгина кираман, бемор хоҳ аёл ёки эркак, хоҳ қул ёки озод киши бўлсин, ундан ҳеч нимани тама қилмайман", [4]. деб ёзган эди Гиппократ. Парваришлаш, ёрдам бериш, қўллаб-кувватлашга қаратилган шифокорнинг беморга нисбатан амалий муносабати шифокор ахлоқининг асосий хусусияти ҳисобланади.

1854 йилда "Ҳарбий тиббиёт журнали"да Н.И.Пироговнинг "Жарроҳлик касалликларини тан олишдаги қийинчиликлар ва жарроҳликдаги бахт ҳақида" мақоласи чоп этилди. Бу асарни ҳам у ўзининг тиббий хатоларини таҳлил қилишга бағишлади. Унинг ёзишича, амалиётидаги хатоликлар шундан иборат эдики, у иложи борича кўпроқ беморларга тез ёрдам беришга уриниши ўлим сонининг кўпайишига олиб келди. Пирогов, ўтказилган операциялар илмий ва ахлоқий жиҳатдан етарлича кўриб чиқилмаганлиги ва таҳлил қилинмаганлиги учун ўзини айблади. Бу ёндашув замонавий субъектив тиббий хатоларни тушунишга асос бўлди. "Тиббий хато" тушунчасида Пирогов ўзига хос ахлоқий маъно берди. У "ўз хатоларини тан олиш қобилияти виждон масаласидир, бу инсоннинг илоҳий табиатининг қонунидир",[3] деб билди.

Охирги 40-50 йил ичида тиббий фаолиятда ятроген касалликларнинг хавфи бир неча бор ошди. Бу тиббиёт амалиётига юқори технологияларнинг кириб келиши, трансплантология, репродуктив технологияларнинг ривожланиши билан боғлиқ. Ҳозирда шифокор инсон табиатига ҳаддан ташқари аралашиш учун мисли кўрилмаган имкониятни олди ва шунга мос равишда беморга зарар етказиш хавфи ҳам ошди. Тиббиётнинг "зарар етказма" ва "фаол аралашиб, яхши натижага эриш" деган иккита асосий тамойили ўртасидаги парда жуда нозик бўлиб қолди. Б.Е. Вотчал, бу масалани "ҳаддан ташқари эҳтиёткорлар ва эҳтиётсиз жасорат орасидаги тор йўлак" [5] деб атади.

О.Бисмаркнинг "Фақат аҳмоқларгина ўз хатоларидан сабоқ олишади, ақлли одамлар бошқаларнинг хатоларидан ўрганишни афзал кўришади",[6] деган сўзларидан келиб чиқадиган бўлсак, албатта ятрогенияни чуқур таҳлил этиш ва замон талабларига мос равишда ўрганиш лозим.

## АДАБИЁТЛАР


1. Рустамов И.Х., Расулов Ш.М. Ятрогения. Шифохона ичи инфекцияларининг этиологияси, эпидемиологияси, профилактикаси ва эпидемиологик назорати. Ўқув -услубий қўлланма. Тошкент, 2018. – Б.32. http://epi.medprof.tma.uz/wp-content/uploads
2. Ятрогения//http://medpsy.ru/dictionary/dictionary27_001.php
3. Интересные факты из жизни. Н.И. Пирогове//URL: http://vivareit.ru/pirogov-nikolaj-ivanovich-interesnye-fakty
4. Клятва Гиппократа: как она возникла и приносят ли ее на самом деле врачи сегодня?// https://foma.ru/klyatva-gippokrata-kak-ona-voznikla-i-prinosyat-li-ee-na-samom-dele-vrachi-segodnya.html
5. Вотчал Б.Е. Очерки клинической фармакологии. М.: Медицина, 1965. – Б.76.
6. Черников Е Э., Зарецкий М.М., Черникова Н М. Врачебная ошибка: невежество или халатность? // Украинская медицинская часопис. №2(70) III - IV 2009 г. // https://www.umj.com.ua/article/2695/vrachebnaya-oshibka-nevezhestvo-ili-xalatnost
7. Атамуратова Феруза Садуллаевна, Рахманова Сарвиноз. Защиты данных - этические проблемы в период пандемии COVID-19//Этические проблемы чрезвычайных ситуаций: ответ биоэтики на пандемию COVID-19». – Ташкент, 2021. – С. 16-17.